O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

«Миллат ўзлигини тўла англаган тақдирдагина буюк ўзгаришлар қилишга қодир бўлади».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 23-avgust • Payshanba • 100 (27.745) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси 2007 йил 24 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 23 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, темир йўл транспорти соҳасини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилишидаги қаҳрамонона меҳнати учун «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти **Маҳкамов Ҳамза Ҳаитович**га **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 22 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ТОШГУЗАР — БОЙСУН — ҚУМҚЎРҒОН» ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ва ислоҳотларни амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан темир йўл транспорти ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Мейлиев Рустам Расулович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 214-йўл машина станциясининг прораби

Шодманов Немат Шайимович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 17-йўл машина станциясининг йўл созловчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»

Темиров Аъзамжон Турдиевич — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси Тошкент кўприк хўжалигини таъмирлаш корхонасининг бульдозерчиси

Шукуров Акбор Сафарович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бош муҳандиси-бош менежери

Кўп йиллик самарали меҳнати ва мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини янада юксалтириш, республикамиз темир йўл транспорти соҳасига илғор технологияларни жорий этишда эришган ютуқлари, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик фазилатларини намоён этиб, жамиятимизда миллатлараро тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Зияев Юсуп Мингкабилович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 166-йўл машина станцияси машинисти

Курбанов Азимбой Янгибоевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси йўл хўжалиги бошқармасининг бошлиғи

Маллаева Миновар Аминовна — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 166-йўл машина станциясининг кран машинисти

Пўлотов Нормурот Бахронович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 17-йўл машина станциясининг йўл устаси

Раматов Ачилбай Жуманиязович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

(Давоми 2-бетда)



Суратларда: *фирма фаолиятидан лавҳалар.*
Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

МАКТАБ СУМКАЛАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Балиқчи туманидаги Эскиҳақулобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Мадина — 97» кўп тармоқли хусусий фирмаси мактаб ўқувчилари учун сумкалар ишлаб чиқара бошлади. Бугунги кунгача 100 минг дона сифатли ва бежирим сумка тайёрланди.

— Келгусида тендер-танловларда қатнашишни ният қилиб турибмиз, — дейди фирма раҳбари Оқибатхон Жакбарова. — Яқинда эски ширкат хўжалиги биносини қайта таъмирлаб, икки қаватли тикувчилик фабрикасига айлантирдик. Бугун 40 нафар хотин-қиз иш билан банд. Ишчи-ходимлар учун янги ошхона ҳам барпо этдик.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмалари, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган «Энг улуғ ва энг азиз» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Бобур Алимов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани сингари оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ходимларни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақилликнинг беқиёс аҳамиятини сингдиришда ижод аҳлининг ўрни беқиёсдир.

Ўн йилдан буён изчил ўтказиб келинаётган «Энг улуғ ва энг азиз» республика кўрик-танлови бу борада самарали фаолият кўрсатаётган ижодкорларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда. Юртбошимизнинг 2007 йил 30 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига кўра мазкур танлов жорий йилда янада юксак савияда ташкил этилди. Бу йилги танловга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан беш мингга яқин ижодий ишнинг келгани беллашувнинг юртимизда тобора оммалашиб бораётганидан далолат беради.

Тадбирда танлов ғолибларига диплом ва совринлар топширилди. Совриндорлар кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

(ЎзА)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг улуғ ва энг азиз» республика кўрик-танлови ҒОЛИБЛАРИ

1. Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари бўйича

1 - ўрин:

Примқул Қодиров — Ўзбекистон халқ ёзувчиси — «Амир Темур сиймоси» тарихий романи учун

2 - ўрин:

Маҳмуд Тоиров — Ўзбекистон халқ шоири — «Уч достон» ва «Мендан мени сўрама» шеърий тўпламлари учун

3- ўрин:

Юсуп Бердиев — публицист — «Элим деб, юртим деб ёниб яшаганлар» туркумидаги «Ажаб саодат» ва «Нурли из» китоблари учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар

1. **Туроб Ниёз** — шоир — «Муҳаббат гуллари» тўпламига кирган Ватан мавзуидаги шеърлари учун

2. **Адиба Умирова** — шоира — «Янги шеърлар» туркуми учун

2. Матбуот бўйича

1 - ўрин:

Абдурасул Жумақулов — «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири ўринбосари — Жамиятда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни, мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кенг ёритгани учун

2 - ўрин:

Ойбуви Очилова — «Маърифат» газетаси ходими — «Ватанга муҳаббат сабоғи» мавзуидаги туркум мақолалари учун

3 - ўрин:

Нуриддин Очилов — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси матбуот котиби — «Фидокор», «Моҳият» ва «Ҳуррият» газеталарида эълон қилинган «Муқаддас майдон», «Бир кафт тупроқ», «Бир парча ер» мақолалари учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар

1. «Давр овози» газетаси таҳририяти жамоаси (Фарғона вилояти) — Қишлоқ ҳаёти ва муаммолари, фермер хўжаликлари фаолиятига бағишланган материаллар туркуми учун

2. **Гулчеҳра Жамилова** — «Сиҳат-саломатлик» журнали бўлим мудири — «Сени жондек асрайин, Ватан», «Юртинг учун керак бўл, ўғлон» мақолалари учун

3. Телевидение ва радио бўйича

1 - ўрин:

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbektelefilm» давлат унитар корхонаси жамоаси — «Мустақиллик майдони», «Умид ва зафар йиллари», «Ўзбекистон спорти одимлари» ва «Ушалган орзулар» фильмлари учун

2 - ўрин:

Мамарасул Мамадаминов — «Самарқанд СТВ» режиссёри — Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан тайёрлаган ижтимоий роликлари ва лавҳалари учун

3 - ўрин:

Актам Бердиёров — «Ёшлар» телерадиоканали муҳаррири — «Мангуликка муҳрланган мустақиллик» ва «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» мавзуидаги ишлари учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар

1. **Муяссар Умарова** — «Марғилон TV» мухбири — Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган туркум кўрсатувлари учун

2. **Заҳириддин Тўраев** — Сурхондарё вилоят телерадиокомпанияси муҳаррири — «Ватанни севмоқ иймондандир» мавзуидаги туркум эшиттиришлари учун

4. Тасвирий санъат асарлари бўйича

1 - ўрин:

Шерзод Хошимхўжаев — дизайнер (Наманган вилояти) — Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқларни акс эттирувчи ижодий ишлари учун

2 - ўрин:

Владимир Шляхтин — фотосуратчи (Навоий вилояти) — Истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотларни акс эттирувчи фотосуратлари учун

3 - ўрин:

Эркин Жўраев — рассом (Бухоро вилояти) «Икки авлод», «Лаби ҳовуздаги тўй» ва «Кутиш» мавзуидаги тасвирий санъат асарлари учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар

1. **Тарлиқбай Айтмуротов** — рассом (Қорақалпоғистон Республикаси) — «Маман бий» тарихий мавзудаги асарлари учун

2. **Адҳам Сулаймонов** — фотосуратчи — «Ижтимоий ҳимоя йили» ҳамда миллий қадриятлар ва урф-одатларга бағишланган фотосуратлари учун

5. Кино санъати асарлари бўйича

1 - ўрин:

Собир Назармуҳамедов — режиссёр — Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган «Соғинч соҳили» бадиий фильми учун

2 - ўрин:

Нигора Каримбоева — киноактриса — «Чашма» фильмидаги Орзибиби образи учун

3 - ўрин:

Аҳрор Акбархўжаев — кинорежиссёр — «Хоразм Маъмун академияси» ҳужжатли фильми учун

Рағбатлантирувчи мукофотлар

1. **Эола Пак** — бастакор — «Дугоналар», «Бор барака» ва «Яна баҳор» мультфильмларига яратган мусиқаси учун

2. **Фахриддин Шамсиматов** — киноактёр — «Ҳақиқий эркаклар ови» ва «Мурувват» фильмларидаги образлари учун

ҚУТЛОВ

«Энг улуғ ва энг азиз» республика кўрик-танлови ғолиби бўлиш мамлакатимиз ижодкорларининг ҳар бири учун катта шараф ва масъулият.

Бу мукофотга энг сара асарлар, мақола, радиоэшиттириш ва телекўрсатув муаллифлари муносиб кўрилади.

Мазкур нуфузли танлов ғолибларидан бири бўлиш газетамиз бош муҳаррири ўринбосари, таниқли журналист Абдурасул Жумақуловга ҳам насиб этди. Биз ҳамкасбимизни мукофот билан қутлаймиз ва унинг ижодий ишларига муваффақият тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ТОШГУЗАР – БОЙСУН – ҚУМҚЎРҒОН» ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юсупов Илхом Турсунович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Қарши алоқа ва сигналлаштириш масофаси катта электромеханиги

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Арслонов Ибодулло Гуламович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Қарши — Термиз» минтақавий темир йўл тармоғи бошлиғи

Кожамуратов Полатбай Ережепович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 279-йўл машина станциясининг кран машинисти

Мадрасулов Рустам — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси махсус механизациялашган йўл станциясининг устаси

Реджаббаев Равшан Рашитович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси махсус механизациялашган йўл станцияси устаси

Салиев Хикматилло Насирович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Алоқа ва сигналлаштириш марказининг бош муҳандиси

Сафаров Муродулло Бердиевич — Қарши 2-кўчма механизациялашган корхонаси бошлиғи

Ходжамуротов Холмумин Джумаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 166-йўл машина станциясининг йўл таъмирловчиси

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Аминов Эсантурди Худайшукурович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Термиз темир йўл таъмирлаш корхонасининг йўл устаси

Божок Павел Вячеславович — «Тоштемирйўллойиҳа» очиқ акциядорлик жамиятининг бош муҳандиси

Жўраев Олим Авлаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Қарши темир йўл таъмирлаш корхонасининг дрезина машинисти

Зафаров Расулжон Мирзаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 164-йўл машина станциясининг иш бошқарувчиси

Никифоров Николай Ефимович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Кўприккурилиш» трестининг 13-кўприк қуриш отряди монтажчиси

Рахимов Азимжон Иномович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи

Рузиев Рустам Васикович — «Боштранслойиҳа» очиқ акциядорлик жамиятининг директори

Саидахмедов Эргаш — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 166-машина станцияси катта устаси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Акбаров Абдулла Зикирович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ишчи таъминот бўлими бош директори

Асқаров Фурқатжон Эргашалиевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 164-йўл машина станциясининг йўл ишчиси

Бобоназаров Норбой Эрназарович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Қарши темир йўл таъмирлаш корхонасининг йўл устаси

Жўраев Мақсуд Хакимович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 203-тажриба йўл машина станциясининг темир йўл устаси

Исмоилов Мамадамин Таштемирович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Термиз темир йўл корхонаси йўл устаси

Карорматов Ботирали Ёқубович — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг бурғулаш ва портлатиш ишлари махсус бошқармасининг бурғулаш ускунаси машинисти

Кадирова Ойгул Мирзаалиевна — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Кўприккурилиш» трестининг 67-кўприк қуриш отрядининг арматурачиси

Крюкова Светлана Юрьевна — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси капитал қурилиш дирекциясининг етакчи муҳандиси

Курбонов Рамазан Умурович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 203-йўл машина станциясининг йўл устаси

Мусаев Аваз Абдужалилович — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси Янгиобод йўллардан фойдаланиш бошқармасининг экскаваторчиси

Норов Имомжон Умарович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Махсус механизациялашган йўл станциясининг устаси

Нуриев Турсун Ибрагимович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Термиз алоқа воситалари масофаси катта электромеханиги

Раззоков Отаназар Маматович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 17-йўл қурилиши машиналари станциясининг йўл устаси

Реимов Парахат Базарбаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 279-йўл машина станциясининг йўл созловчиси

Рузиев Бобомурад Ғаффарович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Қарши темир йўл таъмирлаш корхонасининг йўл созловчиси

Сагдуллаев Фазлитдин Фатхуллаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

Соатов Нематулло Ибатович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Термиз темир йўл таъмирлаш корхонасининг бошлиғи

Тешаев Шерали Содиқович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 203-йўл машина станциясининг устаси

Туляганов Ойбек Турабекович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Кўприккурилиш» трести 13-кўприк қуриш отрядининг устаси

Хидирназаров Наби Норматович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Қарши темир йўл таъмирлаш корхонасининг бошлиғи

Ходжаев Ниғмонхўжа Курбонович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 1-энергомонтаж поезднинг тракторчиси

Хасилов Хуснутдин Нуриддинович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси стратегик ривожланиш бошқармасининг бошлиғи

Юсупов Анваржон Валиевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси 1-энергомонтаж поезднинг автокран машинисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 22 август

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Депутатлар дастлаб «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2007 йил биринчи ярим йиллик ижроси»га оид масалани кўриб чиқдилар. Бу ҳақда Молия вазирининг ўринбосари Ёрқин Турсунов маъруза қилди.

2007 йилнинг биринчи ярмида Давлат бюджети Олий Мажлис томонидан тасдиқланган кўрсаткичлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг тегишли қарорларига мувофиқ ижро этилди. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари, халқ фаровонлигининг ошиши тенденциялари мустаҳкамланди. Ялпи ички маҳсулот 9,7 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йил шу даврига нисбатан 11,6, инвестицияларни ўзлаштириш 40,2, қурилиш ишлари ҳажми 20,5, экспорт 39,0, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 5,5, пуллик хизматлар кўрсатиш 25,1 фоизга ўсди. Бюджет даромадларининг ўсиши таъминланди. Жумладан, 2007 йил биринчи ярмида Давлат бюджетининг даромадлари белгиланган прогнозга нисбатан 101,9 фоизни ташкил этди.

Фракция аъзолари Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ушбу ҳужжат юзасидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Ҳамидулла Назаров тушунтириш берди.

«Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасида ҳар йилги маъмурий харажатларнинг жами суммаси, шунингдек, фонднинг васийлик кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларни компенсация қилиш фонд барча харажатлари суммасининг йигирма фоизидан ошмаслиги белгиланган. Киритилаётган қўшимча мазкур чеклов ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан қўлланилмаслигини назарда тутади.

Йиғилишда «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур лойиҳа Президентимизнинг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (биринчи ўқиш) қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Ҳужжат мамлакатимиз Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан ишлаб чиқилган. Унинг қабул қилиниши хўжалик юритувчи субъектларга даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ёки мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текин берилган маблағлар суммасига тенг ҳажмда камайтириш ҳуқуқини беради. Иккинчидан, у иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг шахсий уй-жой ёки кўпхонадонли уйларда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплашга йўналтирилган суммаси ҳамда юридик шахс — иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағларнинг солиққа тортиладиган даромад базасидан чиқариб ташлаш йўли билан ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Йиғилишда шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Ражабов тушунтириш берди.

Йиғилишда фракция вакилларига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Беҳзод ШУКУРОВ

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Хоразм вилоят кенгаши «Ўзсаноатқурилишбанк» Хоразм филиалида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бажарилиши ҳамда мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрамига бағишланган учрашув ўтказди. Тадбирда вилоят партия кенгаши раиси Р.Сабуров «Ижтимоий ҳимоя йили»да партия ташкилоти томонидан олиб борилаётган ишлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳалардаги ислоҳотлар ҳамда бу жараёнларда ЎзХДПнинг иштироки ҳақида батафсил тўхталди.

Наманган вилоят кенгаши шаҳар, туман партия ташкилотлари раислари, сиёсий ташкилотчилар ва фаоллар иштирокида мустақилликнинг 16 йиллик шодиёналарини муносиб кутиб олиш мақсадида жойларда «Ватаним — 16 ёш, Мен ҳам — 16 ёш» мавзуида тадбирлар ташкил этаяпти.

Олтиариқ туман кенгаши мустақилликнинг ўн олти йиллиги муносабати билан шахмат турнирини уюштирди. Тадбирда вилоят «Камолот» телевидениеси, «Давр овози» газетаси, туман халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлими, Маънавият маркази жамоаси, маҳаллалар ва ЎзХДП фаоллари иштирок этдилар. Ғолибларга Фахрий ёрлиқ ва совғалар топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЎзХДП туман кенгашларида

ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАР ИЖРОСИ

ПАРТИЯДОШЛАРДАН ФАОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА

Кегайли туманида Ўзбекистон ХДПнинг 24 та ҳудудий, 54 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд. Тумандаги 1360 нафардан кўпроқ ХДП аъзоси, Жўқорғи Кенгес, туман Кенгаши депутатлари ҳам ишлаб чиқариш, ҳам жамоат ишларида ва албатта, партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқдалар. Ўзбекистон ХДП Кегайли туман кенгаши раиси Еркин Хўжанов мухбиримизга «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб амалга оширилаётган ишлар хусусида қисқача сўзлаб берди.

— Партиямиздан сайланган депутатлар электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиб, уларни қўллаб-қувватлаб келмоқдалар. ХДПдан халқ депутатлари туман Кенгашига 9 нафар депутат сайланган. «Уснатдин боғбон» фермер хўжалиги раиси Мурат Асаматдинов депутатлик гуруҳи раиси сифатида ўзига билдирилган ишончни оқлаб келмоқда. Гуруҳ аъзолари сессиялар кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқишда фаол қатнашиб, ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришмоқда.

Майрамгали Болтоев, Абдивали Ерназаров, Қалбика Ерназарова ва бошқалар партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини, Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес, туман Кенгашида қабул қилинган ҳужжатларни аҳолига тушунтиришда ҳамда улар ижросини таъминлашда, кам таъминланган, кўп болали, ногирон, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришда фаоллик кўрсатишмоқда. Шунингдек, туман марказий касалхонаси туғуруқ, жарроҳлик бўлимларини таъмирлаш ишларига ҳам улар бош-қош бўлиб, ҳомийлик қилдилар. Туман бўйича шу йил бошидан буён 450 нафардан кўпроқ меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли иш билан таъминланиши, аҳоли ичимлик суви таъминотини яхшилашда ҳам уларнинг ҳиссалари катта.

Ишсизларни иш билан таъминлаш, кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашда туман партия кенгаши, ХДПдан сайланган депутатлар, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа қатор ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этган Рўза Сейткамолова марказий касалхонага кичик тиббиёт ходими, Жонибек Сапарниёзов «Халқобод» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига ишчи, Жолдас Айтимов Бузотов ўрмон хўжалигига ишчи бўлиб жойлашди. Бошқа шу каби яна кўплаб вақтинча ишсиз юрганларга амалий ёрдам кўрсатилаяпти. II гуруҳ ногирони Сарибика Кримбетованинг турар жойи таъмирланишига қўмак берилди. I гуруҳ ногирони Патулла Икметуллаев хонадонига телефон ўтказилиши масаласи ҳам бизнинг аралашувимиздан сўнг ҳал этилди.

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги муносабати билан жойларда турли учрашувлар, давра суҳбатлари, тарихий жойларга экскурсиялар ташкил қилинмоқда. 62 нафар нуроний отахон ва онахон Хива шаҳрида бўлиб, тарихий ёдгорликларни зиёрат қилиб келишди. Шу жараёнда мустақиллигимиз берган имкониятлар, унинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни, тарихий аҳамияти мавзуларида қизғин мулоқотлар бўлиб ўтаяпти.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ ёзиб олди.

Тадбир

САМАРҚАНД НОНЛАРИ ТАНЛОВИ

Тобора яқинлашиб келаётган қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи олдидан вилоят ҳокимлиги, вилоят Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида «Самарқанд нонлари» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Шаҳарнинг Регистон майдонида ўтган танлов якунига кўра биринчи ўрин Самарқанд шаҳри ва Самарқанд тумани новвойларига, иккинчи ўрин Пастдарғом ҳамда Булунғур туманлари вакилларига берилди. Учинчи ўрин Иштихон ва Тайлоқ туманлари новвойларига насиб этди.

— Тадбирни ўтказишимиздан мақсад — Самарқанд нонлари довруғини янада кўтариш, — дейди Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Йўлдош Суюнов. — Қолаверса, нонинг азизлиги, муқаддаслигини ёшларга уқтириш.

Тадбирда ижро этилган куй-қўшиқлар, бадиийлаштирилган чиқишлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири
Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат

ФАХРИЙЛАРГА БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ

Ўзининг 10 йиллигини муносиб нишонлаётган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг 16 йиллиги олдидан хайрли тадбир ўтказилди. Унга корхона ҳамда туман меҳнат фахрийлари, кекса нуронийлар таклиф этилиб, уларга байрам дастурхони ёзилди.

Тадбир иштирокчиларини завод директори, ХДП фаоли Ш.Сайдаҳмедов, «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси Ю.Қурбонов, меҳнат фахрийси Ж.Олимов, Қоровулбозор тумани ҳокими И.Муродовлар қўшалоқ шодиёна билан самимий қутладилар. Мустақиллик берган имкониятлар, озодлик қадри ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Тадбир сўнггида корхона маъмурияти томонидан фахрийларга байрам совғалари улашилди.

Даврон БАҲРОНОВ

ТОШКЕНТ КЎЧАЛАРИДА — ЯНГИ ТРАМВАЙЛАР

Пойтахтимизга Россияда ишлаб чиқарилган «КТМ» русумли тўртта янги трамвай олиб келинди.

«Тошэлектротранс» давлат компаниясидан маълум қилишларича, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 16 йиллик қутлуғ тўйи арафасида яна йигирма олтита шундай трамвай Тошкент шаҳри кўчаларида пайдо бўлади.

Х.САЛИМОВ, ЎзА мухбири

Мулоҳаза

ОЗОДАЛИК — МАДАНИЯТ КЎЗГУСИ

Машинамнинг олд ойнасига «гуп» этиб сувдан бўшаган баклашка урилди. Агар унинг олдинда кетаётган машинадан ташлаб юборилганини кўрмаганимда, кескин тормоз беришим ва бу, билмадим, нималарга олиб келиши мумкин эди. Светофорда ўша машинага етиб олдим, ойнани тушириб, энди гапиришга оғиз жуфтлагандим, рулда ўтирган башанг кийинган йигитнинг ўзи гап бошлаб, узр сўради: «кечирасиз, опа, машинангизга тегади деб ўйламагандим». Унинг бу узри баттар ажаблантирди — нима, кимнингдир машинасига тегмаса, пойтахтнинг қоқ марказида, сувдан бўшаган идишни ирғитиб кетавериш мумкин экан-да? Тавба, деб ўйладим ўзимча, пўрим кийинган билан маданият бўлавермас экан-да?!...

Пойтахтимизнинг марказий кўчалари, хиёбону майдонлар, маҳаллаларнинг озодалигидан кўз қувонади. Бунинг учун ободонлаштиришга алоқадор ташкилотлар, юзлаб фаррошлар, одамларнинг ўзлари тинмай меҳнат қиладилар. Чинни-чироқдай кўчаларда учраб қоладиган музқаймоқ қоғози, турли минерал ичимликлардан бўшаган идишга ўхшаш чиқиндиларни кўриб таъбингиз хира бўлиши табиий... Жамоат жойларида, кўчада озодаликка путур етказадиган бундай кишиларга чора кўриладими ўзи?

Пойтахтда озодалик назоратини амалга оширадиган ички ишлар бўлинмаси фаолият юритиши ҳақида эшитгандим, уларнинг манзилини аниқлашга киришдим.

✧✧✧

Бурҳон Қувондиқов — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасига қарашли экология ва тозаликни назорат қилиш батальонининг 250 нафар ходимидан бири, Чилонзор туманининг 5-, 7- мавзеларидаги озодалик ва ободонлаштириш ишларини назорат қилади. У одатдагидек, бугун ҳам ишни ўзига қарашли ҳудуддаги Ҳамза маҳалласи фуқаролар йиғини фаолларининг эрталабки йиғилишида қатнашишдан бошлади. Кўпинча, режадан ташқари бориши лозим бўлган объектлар манзили ана шу ерда маълум бўлади. Чунки кимдир озодалик борасида маҳалла идорасига мурожаат қилган бўлади, фаоллар ҳам айрим тартиббузарликлар ҳақида хабар бериб қолишлари мумкин. Қолаверса, жойларда маиший чиқиндиларнинг «Махсустранст» ташкилоти томонидан жадвал асосида олиб кетилишини ҳам айнан маҳалла оқсоқоли назорат қилади.

1

Бурҳон бугунги режасига ўзгартиришлар киритадиган фавқулодда хабарлар йўқлигига амин бўлгач, Халқлар дўстлиги кўчасига йўл олди. Биз ҳам унга ҳамроҳ бўлдик — одамларнинг ўзи яшаётган шаҳар, уй атрофини озода сақлашга муносабатига, санитария маданиятига ички ишлар ходимлари фаолияти орқали назар солмоқчи бўлдик.

Бурҳон икки кун олдин худди шу кўчани айланиб чиққан, озодалик ва ободонлаштириш бўйича айрим корхона раҳбарларига огоҳлантириш берган экан.

«Доктор сервис» хусусий клиникасининг директори Тамара Шарипова Бурҳоннинг гапларига эътироз билдирди, клиника биноси олдидаги бегона ўтлар кўм-кўк яшнаб турганини, уларни йўқ қилиш шарт эмаслиги ҳақида анча баҳслашди.

Ички ишлар ходими унга нисбатан маъмурий чора кўриш ҳақида баённома тўлдиришни бошлаганини кўриб, тўғрисини айтиб қўяқолди:

— Қўшни бинода жойлашган ширкатдан ўроқ олиб, ўриб ташламоқчи эдик, банд экан...

Қизиғи шундаки, ўша куни раҳбарига маъмурий чора кўрилган яна бир ташкилот ҳам тиббиёт маскани — «Лор сервис» хусусий корхонаси. Корхона раҳбари шохобчанинг орқа тарафида уюлиб ётган ахлатни юқори қаватлардан «тушгани»ни, тозалаб улгурмасликларини айтди. Бурҳоннинг бу ҳудудга анчадан буён супурги тегмаганлигидан ивирсиб кетганини исботлаши учун анча-мунча вақти кетди.

Шу орада тушунтириш ишларини олиб боришга ҳам улгурди.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ҳудудларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш, шунингдек, тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларига риоя қилмаслик, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ярим бараваридан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан икки бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлишини уқтирди. Хуллас, жарима тўланадиган, бино атрофининг «Лор-сервис»га тегишли қисми шу бугунок тозаланадиган бўлди.

5-мавзенинг кўпқаватли уйлари орасидан ўтаётганимизда кексароқ аёл «Тозалик милициясига саломлар», деб самимий тарзда сўрашган бўлди. Англадикки, Бурҳонни аҳоли яхши танийди. 43-уйнинг чеккадаги йўлаги олдида куймаланаётган йигитнинг ҳам самимий қарши олгани фикримизни тасдиқлади.

— Уйимизнинг орқа томони анча озода бўлиб қолди, — гаражлар тарафига ишора қилди ўзини Дима Эшонхўжаев деб таништирган йигит. — Олдинлар бу ер чангалзор, атроф тўла ахлат эди. Уй аҳли биргалашиб, тозаладик, панжара билан ўрадик.

2

ЁШЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

Мустақиллик байрами арафасида Наманган вилоятида 12 та касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилади. Айни пайтда мазкур ўқув масканларида сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда

Янгиқўрғон туманининг Нанай қишлоғида қад ростлаган муҳташам иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига бу йил 540 нафар йигит-қиз қабул қилинди. Тендер баҳоси 2 млрд. 126 млн. сўмлик бўлган мазкур коллеж қурилишини 5-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланмаси бунёдкорлари барпо этишди.

Жамият ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Абдурашид Абдураҳмоновнинг айтишича, бу ерда кунига 200 нафар қурувчи меҳнат қилган. Исломжон Низомов, Абдулло Мирзаахмедов, Соҳибжон Хўжаевлар эса меҳнатда жонбозлик кўрсатиб, ҳамкасбларига ибрат бўлишди.

Чуст туманининг Ғова қишлоғида 540 ўринга мўлжалланган спорт йўналишидаги касб-ҳунар коллежи ва унинг 50 ўринли ётоқхонаси қурилишида 6-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма бунёдкорларига «Чуст пулвер блеск семирамида», «Чуст-Шабнам-Биллур» «Муслиҳиддинов Хуршид ХТК» каби кичик корхоналарнинг ҳунармандлари яқиндан ёрдам беришди. Бу барпо этилган илм масканлари наманганлик ёшларга байрам совғаси бўлди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

БУХОРОДА АНЪАНАВИЙ ҚОВУН САЙЛИ

Ҳар йилгидек бу йил ҳам қадим Бухоронинг Самонийлар боғи уч кун гавжум бўлди. «Табаррук замин саховати» шиори остида ўтказилган навбатдаги қовун сайлида 100 нафар фермер даласида етиштирилган 70 турга яқин тилими тилни ёргулик ёз ноз-неъматлари истеъмолчилар дастурхонига тортиқ этилди.

— Ўн йилдирки қовун сайлида қатнашаман, — дейди ғиждувонлик фермер Раҳмат Болтаев. — Шу йиллар давомида қовуннинг «Қорақанд», «Бўрикалла», «Бекзоди», «Амири» навларини ўз даламда етиштирдим. Бугун ҳам сайлдан қуруқ қайтаётганим йўқ, соврин олдим...

Ҳа, Мустақиллик байрами арафасида ўтказилган мазкур тадбир тупроғи сахий ўлкамиз ноз-неъматларининг яна бир амалий намойиши бўлди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекисон овози» мухбири

ЁШ ОИЛАЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

Ўзбекистон Республиси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги № УП-3878 Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Акциядорлик Тижорат «Туронбанк» томонидан ёш оилаларга имтиёзли шартлар билан қуйидаги мақсадлар асосида кредитлар ажратилмоқда.

МИКРОКРЕДИТЛАШ — оилавий бизнесни шакллантириш учун.
ИПОТЕКА КРЕДИТИ — уй-жой сотиб олиш, қуриш ва таъмирлаш учун
ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ — уй-жой жиҳозлари, маиший техника ва мебель сотиб олиш учун.

Қўшимча маълумотлар учун АТ «Туронбанк» таркибий тизимининг қуйидаги рақамларига мурожаат қилинг.

Бош офис:	144-32-52
Миробод филиали:	150-10-10, 150-10-20
Андижон филиали:	114-6579
Навоий филиали:	(43622) 4-21-09
Зангиота филиали:	150-20-25
Гулистон филиали:	(36722)7-22-64
Фарғона филиали:	(37322) 4-06-17
Бухоро филиали:	(3652) 24-35-16
Наманган филиали:	(36922) 6-25-46.
Олот филиали:	(3653) 42-10-37
Сурхондарё филиали:	(37622) 7-47-86
Шаҳрисабз филиали:	(37552) 2-50-70
Бўка филиали:	(37157) 3-62-30
Жиззах филиали:	(372) 222-21-98
Нукус филиали:	(36122) 4-11-43
Самарқанд филиали:	(3663) 33-51-65
Хоразм филиали:	(36222) 5-45-17
Қарши филиали:	(37522) 6-04-70

Банк тизими

BANK XALQ BANKI

ҲАМ ИШОНЧ, МАСЪУЛИЯТ ОРТАЯПТИ

Ўтган 16 йил давомида эришган беқиёс ютуқларимизда бевосита банк тизимининг ҳам салмоқли хизматлари бор.

Шу ўринда Халқ банкининг Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатаётган 15 та туман(шаҳар) филиаллари, 180 та мини-банк, шохобча ва махсус кассалари мижозлар оғирини енгил қилиб келаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

2007 йилнинг ўтган даврида банкнинг вилоят филиаллари томонидан 6,2 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Ушбу рақам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпдир. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, уларга 250 млн. сўмдан ортиқ кредит ажратилиши таъминланди. Жорий йилда 150 нафардан ортиқ тадбиркор аёлларга 320 миллион сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилди. Буларнинг натижаси ўлароқ, шу йилнинг ўзида ажратилган кредитлар ҳисобига 650 та янги иш ўрни яратилган.

Банк филиаллари чорва моллларини кўпайтиришни рағбатлантириш мақсадида 500 дан ортиқ кам таъминланган оилаларга молиявий ёрдам кўрсатди. Ўз навбатида аҳолининг истеъмол бозорини кредитлаш учун 580 млн. сўм кредит ажратилиб, бунда ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Эндиликда вилоятдаги ёш оилалар турмуш фаровонлигини ошириш, уй шароитларини яхшилашда ҳамда узоқ муддат фойдаланадиган уй жиҳозлари ва истеъмол товарларини Халқ банкининг имтиёзли истеъмол ва ипотека кредитлари орқали ҳал этишлари учун барча имкониятлар яратилиб, зарур миқдордаги ресурс маблағлари билан таъминланган. Имтиёзли кредитлардан фойдаланган фуқаролар бундан миннатдор. Денов туманининг «Ҳазорбоғ» қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида яшовчи ёш оила бошлиғи Ф.Саидов шахсий уйини ипотека кредити ҳисобига қуриб битирганини, Шўрчи туманининг А.Набиев кўчасида истиқомат қилувчи А.Чориев имтиёзли истеъмол кредити эвазига уйини таъмирлаганлигини қувониб гапиришди. Термиз тумани, «Қорахон» маҳалласида яшовчи А.Бойхонов эса оиласи учун ўзимизда ишлаб чиқарилган «Сино» совуткичини «Оила фаровонлиги» истеъмол кредити ҳисобига харид қилганлигини таъкидлаб ўтди.

Айнан мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган ишбилармонлар сони кўпайди. Бу юртимизда ишбилармонларга яратилаётган қулайлик ва имкониятлар натижасидир.

— Ўтган йили банкнинг Қумқўрғон филиалидан айланма маблағлар учун кредит олгандим, — дейди «Салим Абдулла ўғли» хусусий фирмаси раҳбари Қурбонмурод Рўзиев. — Ушбу кредит ҳисобига фаолиятимизни ривожлантириб, аҳолига кундалик эҳтиёж озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришни таъминлаяпмиз. Олинган кредитни ўз вақтида фоизлари билан қайтардик. Тез кунда янги савдо мажмуини фойдаланишга топширамиз. Келажакда эса банкнинг молиявий кўмагида макарон ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

— Биз ҳам мазкур филиалдан кредит олгандик, — дейди «Аср» — кўп тармоқли ишлаб чиқариш хусусий корхонаси раҳбари Рашид Қосимов. — Кредит ҳисобига йўлакчаларни таъмирлашга турли хил плиткалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик ва маҳсулот турларини янада кўпайтирдик. Боз устига маҳаллий ёшлар учун 12 та янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, омонатчиларга таклиф этилаётган 13 та янги омонат турлари ҳам ўз самарасини бераётир. Банк томонидан муомалага чиқарилган депозит сертификатлари аҳоли ўртасида ихтиёрийлик асосида жойлаштирилмоқда. Омонатчиларнинг биринчи талаблари бўйича ҳисоб-рақамлардан маблағларнинг берилиши таъминланмоқда. Бир сўз билан айтганда, ана шундай ҳамкорлик ва ўзаро ишонч туфайли Халқ банки омонатчилари сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан вилоят Халқ банки филиаллари томонидан кўплаб мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, банк филиалларида сайёр кассалар ташкил этилиб, маҳаллалар билан ҳамкорликда жойларга чиққан ҳолда ҳар ойда ўртача 3,5 млрд. сўмга яқин болалар нафақаси ва ёрдам пулларини ойма-ой нақд пулда тарқатилиши ҳамда махсус кассалар орқали коммунал тўловларни қабул қилиш халқнинг кўнглидаги иш бўлди.

Жорий йилда Халқ банкининг 3000 га яқин пластик карточкалари муомалага киритилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробарга кўпдир. Пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида 50 та терминал ўрнатилган.

Бир сўз билан айтганда, Халқ банки ва жойлардаги филиалларнинг ана шундай кенг кўламли фаолияти мижозлар ишончи ва сонининг ортиб боришига замин яратмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
Бахтиёр АЛИҚУЛОВ

Одамларнинг шунча меҳнат қилаётганини кўриб туриб ҳам, чиқиндини сал нарирокдаги махсус контейнерга элтмай, ана шу хилватроқ жойга ташлаб кетадиганлар барибир топилади. Бугун эрталаб йўлак атрофини тозалаётгандим, бир бола қўлидаги чиқиндини ўюб қўйган супириндиларнинг устига қўшиб кетди-қолди. Ҳай-ҳайлаганча қолавердим...

— Қўшни сифатида танбеҳ бермайсизми? Бу ҳам бир таъсир-да...

— Э, нима қиламан уришиб, бошимга ташвиш орттириб, — дейди Дима.

Дарвоқе, уялмай-нетмай белгиланмаган жойга чиқинди ташлаб кетишга виждони йўл қўйган одамнинг тўғри танбеҳни қандай қабул қилиши гумон.

Экология ва тозаликни назорат қилиш батальони раҳбарияти бу муаммонинг ҳам ўзига хос ечимини топди.

— Ходимларимиз аҳолининг белгиланмаган жойга ахлат ташлаб кетиши ва «Махсустранс» корхоналари томонидан чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетилмаслик ҳолларига тез-тез дуч келадилар, — дейди батальон командири, подполковник Нарзулла Худойбердиев. — Кишиларнинг бу салбий ҳолатларга муносабатини шакллантириш, санитария маданиятини ошириш мақсадида шундай ҳоллар аниқланган тақдирда бизга телефон қилиб хабар беришлари сўралган мурожаатномани аҳоли гавжум жойларга, кўпқаватли уйлар йўлакларига илиб қўйдик. Ҳозир 278-97-11 рақамли телефонимизни кўпчилик билади. Навбатчи маълумотни қабул қилиб, ўша ҳудуддаги ходимимизга етказади. Ходимимиз воқеа жойига етиб бориб, маълумотни ўрганади. Биласизми, бизга кўпинча нафақа ёшидаги кишилар хабар қилишади.

Яқинда Қўйлиқ-7 даҳасидаги кўпқаватли уйлардан биридан қўнғироқ қилишди. Қўшнилар иккинчи қаватдаги хонадон деразасидан мунтазам равишда чиқинди ташланаётганидан безор бўлишган. Ходимимиз ўша хонадон эгасига маъмурий чора кўриш ҳақида баённома тузиб қайтди. Тўғри, баъзан жаримани ундиришда қийинчиликлар бўлади. Бундай вақтларда фуқаролик суди орқали ундириб оламиз. Жарима — қонунбузарлик учун шунчаки жазо эмас, тарбия воситаси ҳамдир.

Бу тарбиянинг кучини ўша куни биз ҳам амалда кўрдик. «Доктор сервис» хусусий клиникаси раҳбариятига маъмурий чора кўриш ҳақидаги баённома эрталаб ёзилган эди, тушга яқин оқ халатли ходимлар жаримага сабаб бўлган майдончани бегона ўтлардан тозалаётган эканлар...

✧✧✧

...Дунё кезган танишим бир сафар гурунг қилиб қолди:

— Ўзбекистон метроси жаҳондаги энг озода метро бўлса керак, — деди у. — Ривожланган кўпгина мамлакатларда бўлганман, метроларини кузатганман. Одамлар метрода еб-ичиб, бир зафар ишлатиладиган идишларни шундоқ ўриндиқларда қолдириб кетаверадилар. Махсус хизматчилар қўлларида идиш ва қисқичлар билан юриб, бу чиқиндиларни териб улгурмайдилар...

— Метромизга тушган чет эллик меҳмонлар ҳам биринчи навбатда кўз қамаштирадиган озодаликка эътибор қиладилар, — дейди Навоий бекати фарроши Янина Хурмузи. — Ҳар бир бекатга бир неча фаррош хизмат қилади. Улар бекат полини тез-тез намлаб, артиб туришади. Метрода музқаймоқ ейиш ёки йўловчиларга зарар етказиши, кийим бошни ифлос қилиши мумкин бўлган нарсалар билан кириш таъқиқланади. Балким шу сабабдир, метрода овқат еяётган, сигарет чекиб, қолдиғини ерга ташлаётган йўловчини учратмайсиз.

Ҳа, метро ишга тушганидан бошлаб, бу нарса одамлар онгига сингдирилган. Демак, тарбияда, онгга сингдиришда гап кўп. Халқимизнинг озодалик, экологик тарбия бобидаги анъаналари узоқ-узоқ ўтмишга бориб тақалади. Кекса бобо-бувингиздан эшитган, ҳозир ўзингиз фарзандларингизга такрорлаётган ўгитларни хаёлингиздан ўтказинг: «Ноннинг увоғини оёқ остига ташлама!», «Сувга тупурма, гуноҳ бўлади», «Уйда ахлат тўпланса, барака қочади»... Уй атрофи ҳам эрта тонгда — йўловчиларга ҳалақит бермайдиган пайтда супуриб-сидириб қўйилган.

Цивилизация, урбанизация инсониятни анъанавий тарбияга ўзгартиришлар киритишга мажбур қилди. Энди атроф-муҳит, ҳавонинг тозалиги ҳақида қайғуришимиз, чиқиндиларни камайтириш ва уларни қайта ишлаш борасида аҳолининг иштироки қандай бўлиши ҳақида билишимиз керак бўлиб қолди. Бу билимлар кишиларнинг онгига қанча эртароқ кириб борса, шунча яхши.

— Яқинда Давлат Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги қўшма ҳайъати мажлисида республикада экологик таълимни ривожлантириш, эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари Дастури ва Концепцияси ҳақидаги 2005 йил қабул қилинган қарорнинг бажарилиши таҳлил қилинди, келажакдаги вазифалар белгиланди, — дейди Давлат Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ахборот хизмати бошлиғи Равшан Маматқулов. — Қарорда кўрсатилган асосий вазифалардан бири — узлуксиз экологик таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида анча ишлар қилинган. Ҳозирги кунда узлуксиз экологик таълим концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Халқ таълими вазирлиги томонидан мактабдан ташқари қўшимча экологик таълимнинг давлат талаблари яратилган.

Чунки одам болаликдан озодаликнинг саломатлик гарови эканлиги, маиший чиқиндиларни контейнерларга тўрига қараб ташлашнинг аҳамияти, ҳаво, сувнинг ифлосланиши олдини олиш чоралари ҳақида тушунчага эга бўлиб бориши, бу қоидаларга риоя қилишга ўрганиши керак.

Қолаверса, озодалик, тозалик, сарištалик бобида каттаю кичик ишни аввало ўзидан бошлаши керак, — дейди Чилонзор туманидаги Ҳамза маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Бахтиёр Каримов. — Хонадонимизни озода тутишдан бошлаб, уй атрофи, маҳалла, шаҳарнинг тозалигига ҳар бир киши ўзини масъул деб ҳисобласа, гир-атрофимиз саришта бўлади.

Олтмишдан ошган отахон бу фикрини амалда ҳам исботлайди. Ҳар куни эрталаб, хонадони тўртинчи қаватда бўлишига қарамай, йўлакни ва уй олдини аёли билан супуриб-сидириб қўядилар. Қўшни йўлакларда ҳам оқсоқол ибратидан ўрнак олганлар кўпайиб қолибди.

... Ажаб, кўзойнак тақиб, башанг кийиниб машина ҳайдаб кетаётган баъзи бир юртдошларимиз кўчага бўшаган баклашка ёки бўш сигарет қутисини итқитаётганда, наҳотки оддий инсонгарчилик — ҳеч бўлмаса ўзгалар меҳнати қадрига етиш, шаҳар озодалигини сақлаш ҳам инсоний бурчимиз эканлигини ўйлаб кўришмаса? Ахир, озодалик, саранжом-сарištалик ўзимизга боғлиқ. Зеро, маданиятимиз кўзгуси у.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Бугун мамлакатимиз пойтахти Тошкентдан тортиб барча вилоятлардаги шаҳару туманлар, қишлоқлар қиёфаси мутлақо ўзгариб, тобора обод, гўзал, файзли бўлиб бораётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Кенг, равон, озода кўчалар четидаги ям-яшил дарахтлар, кўркам истироҳат боғлари, бири-биридан муҳташам биноларни кўриб кўз қувнайди.***

Афсуски, кенг қамровли ишларга қанча меҳнат, қанча маблағ сарфланаётгани, бундан кўзланган мақсадни ҳамма ҳам англаб етмаётганга ўхшайди. Ўйлаб кўрилса, бундай хайрли ишларга меҳнати сингмаганлар унинг қадрига етмаётганига ишонч ҳосил қиласиз.

Биз яшаётган шаҳар, туман, қишлоқ, уй ҳар биримиз учун муқаддас гўша ҳисобланади. Унинг гўзал, кўркам, саранжом-сарištaлиги бизнинг диндимиз, маданиятимизни белгилайди, соҳлом турмуш тарзимизга хизмат қилади. Демак, бу ҳақда қайғуриш, ўз масканимиз озодалигини асраб-авайлашни бурчимиз деб билмоғимиз зарур.

ШАҲАРДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛАДИ

2 сентябрь куни Москвада Шаҳар куни нишонланади. Байрам муносабати билан Москвадан барча ноқонуний мигрантлар чиқариб юборилади. Пойтахтда ноқонуний турган одамларни топиш ва уларни чиқариб юбориш мақсадида Москва федерал миграция ва ички ишлар бошқармалари биргаликда 31 августга қадар жойларни текширади. Пойтахт маъмурларининг ёпиқ эшиклар ортида ўтган мажлисида шундай қарорга келинган. Москва ҳукумати Шаҳар куни ва Билимлар куни ўтказиладиган даврда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни муҳокама этган. 31 августдан 2 сентябрга қадар шаҳарда алкоголли ичимликлар, пиво, шунингдек, шиша идишлардаги яхна ичимликларнинг сотилиши тақиқланади. Шунингдек, шаҳар ўқув масканлари ва байрам тантаналари ўтадиган жойлар яқинида таъмирлаш-қурилиш ишларининг олиб борилиши ҳам ман этилади.

ДОВУЛДАН КЎРИЛГАН ЗАРАР

Мексиканинг Ютакан яриморолига келиб урилган «Дина» довули зарбаларидан одамларга зарар етмаган. Лекин президент Фелипе Кардеронннинг таъкидлашича, мамлакатнинг олис чеккаларидан ҳали маълумотлар олинганича йўқ. Табиий офатдан кўрилган моддий зарар 500 млн. доллардан ошади. Ҳозир «Дина» қуруқлик узра ўтганидан сўнг заифлашган ҳолда соатига 32 км. тезликда Мексика кўрфази экватории бўйича шимолий-ғарбга ҳаракатланмоқда. Довулнинг кўрфаздаги Америка нефтни қазиб олиш платформаларини четлаб ўтиши кутилмоқда. Жаҳон «қора олтин» бозори ушбу хабарни нархнинг салкам икки фоизга тушиши билан қарши олди. Шунга қарамай мутахассисларнинг огоҳлантиришича, «Дина» довули ҳамон катта хавф-хатар туғдирмоқда. Боз устига қизиган сув сатҳидан довул куч тўплайди. Шу боис Мексиканинг бутун соҳили бўйлаб амалда хавфсизлик чоралари сақланиб қолмоқда.

ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ЯНГИ ҚАРОР

Малайзия ҳукумати мамлакатдаги макакаларни (итсимон маймунларни) экспорт қилиш тўғрисида янги қарор қабул қилди. Мамлакат табиий ресурслар ва атроф-муҳит вазири Азми Холиднинг таъкидлашича, бунга Малайзияда маймуннинг мазкур тури ниҳоятда кўпайиб кетгани сабаб бўлган. «Биз шу йўл билан одамларга зиён етказаётган макакаларнинг сонини камайтиришга эришишимиз мумкин», деди Азми Холид.

ҚУРБОНЛАРСИЗ ЯКУН ТОПДИ

Парижда «Sonia Rykiel» дўконида одамларни бир неча соат мобайнида гаровда ушлаб турган киши маъмурларга таслим бўлди. Маҳаллий полиция вакилининг сўзларига кўра, танглик жиноятчи билан олиб борилган узоқ музокаралардан сўнг қурбонларсиз барҳам топган. Пичоқ билан қуролланган ўрта ёшлардаги бу киши дўкон ичига бостириб кириб, ўзини суд тизими ноҳақлигининг қурбони бўлганлигини айтган ҳамда маъмурлар вакиллари билан учрашишни талаб этиб, ўз даъволарини билдириш ниятида бўлган.

УЙҚУСИЗЛИК КАСАЛИГА ДУЧОР БЎЛГАН

Австралиядаги Сидней миллий университети олимларининг сўзларига кўра, интернет ва уяли алоқадан меъёридан ортиқ фойдаланиш асаб тизимининг бузилишига ҳамда уйқусизликка олиб келади. Тадқиқотлар натижасида мамлакатда бир миллиондан ортиқ киши компьютер ўйинларини узоқ вақт давомида ўйнагани учун уйқусизлик касалига дучор бўлгани аниқланди. Маълумотларга қараганда, уларнинг ўн фоизи ёмон одатдан қутилиш мақсадида рухшуносга мурожаат қилган.

«ОНА — 2007» ГЎЗАЛЛИК ТАНЛОВИ

Италияда «Она — 2007» гўзаллик танлови бўлиб ўтди. 46 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар иштирок этган бу тадбирда болоньялик Бруна Бенфенати ғолиб бўлди. У икки фарзанднинг онаси, ёши қирқ еттида. Б.Бенфенатининг сўзларига кўра, танловда ғолиб бўлишига унинг самимийлиги ёрдам берган.

Танлов доирасида «Келишган хоним», «Жозибали хоним» ва «Гўзал табассум соҳибаси» рағбатлантирувчи мукофотлари ҳам топширилди.

***

Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Самарқанд вилояти ҳудудий консалтинг маркази «Ўзбекистон овози» газетасининг 2007 йил 21 август сонида берилган эълондаги «танлов савдолари» сўзлари «қайта танлов савдоси» деб ўқилишини маълум қилади.

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

«ГЎЗАЛ ЧЎЛПОН ЭДИМ, ДЎСТЛАР...»

«Маълумотларга кўра, Чўлпонга тегишли ҳар бир буюм аямасдан йўқотилаётган бир пайтда унинг мушфиқ синглиси акасининг суратини кўп вақтлар нимчаси астарида бекитиб, асраб қолган экан».
(«Қатағон қурбонлари хотираси» музейидаги ёзув)



Маҳобатли бино сари бораётиб, анча берида тўхтаб қоламан. Ичкарига юришга ботинолмайман. Умар Ҳайём ҳазратлари огоҳ этган сатрлар ёдга тушади:

Тупроққа авайлаб қадамингни қўй,
Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди!

Оёқларим остидаги замин қачонлардир шу жойда бирма-бир отиб ташланган боболаримнинг сўнгги нафасларига гувоҳ. «Улар ўлимга рўбарў туришганида қай сўзларни тилга олишган экан?» дея ўйлайман. Балки ўз авлодларига қарата «Курашинг, чекинманг!» дейишгандир? Ёхуд баралла «ҳадемай ёруғ кунлар келади, ишонинг» деб ҳайқиргандир?! Балки...

Ёруғ кунлар келди!

Аслида бу кунларимиз учун асрлар давомида курашган миллатдошларимизнинг табаррук номлари тарих осмонида юлдуздек чарақлаб турибди. Спитамен, Широқ, Амир Темур, Намоз Ботир, Қурбонжон Додҳо, Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Фитрат, Чўлпон... уларнинг ҳаммасини хотирласак, улкан бир китобга жо бўлгуликдир. Бариси Ватан озодлигини орзулаган, шу озодликни деб жанг қилган, қон кечган, азиз бошларини қурбон қилган. Уларнинг пок руҳлари олдида меҳр ва эҳтиромдан қарзимиз бор. Кўҳна тарих не-не талотўплар, жангу жадаллар, қирғинбарот урушларга шоҳид. Чоризм империяси Туркистонни босиб олганидан кейинги 130 йиллик даврда истибдодга қарши бош кўтарганлар учун турли жазолар ўйлаб топиларди. Ўтган асримизда юз берган воқеалар — «қулоқ қилиш» сиёсати, Сибир сургунлари, «халқ душмани» деган тамға билан қамашлар, «пахта иши», «ўзбеклар иши»... Бир-бирига уланиб кетган бу қатағонлар халқимизнинг иродасини буколмади. Ўша қайғули йилларда ҳам халқ ўз эътиқодидан чекинмади, доимо илгарига қадам босди. Негаки, бу элнинг азалий илдизлари мустаҳкам эди. Бу халқ ўз ботирларига ишонарди. Ўзбек ўғлонларининг эса мақсади аниқ, юраги ёниқ, сўзи баланд, мудом халқни қатағон сиёсати олдида бош эгмасликка даъват этишарди.

Эрк курашчиларидан бири Абдурауф Фитрат ўтган аср бошларида ёзган «Юрт қайғуси» асарида шундай дейди: «Эй, улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмамишдур!» Сўнгра асарига хотима бераётиб, дейди: «Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ — менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ — тириклигимдур!»

...«Қатағон қурбонлари хотираси» музейи машъум истибдод курашчиларининг пок руҳлари кезиб юрган табаррук гўша. Бу ерга қўйилган ҳар битта асар, ҳар битта буюм қатағон даврининг тирик гувоҳи. Агар улар инсон каби сўзлай олсалар эди... Сарғайган китоблар, чети йиртилган, саҳифалари қуйган қоғозлар қай онларда ёзилгани, ўз эгасининг қай кайфиятда бўлгани, сўнг узоқ йиллар қай жойлардан паноҳ топгани ҳақида ҳикоя қилиб берармиди!? Ана, Чўлпоннинг сурати! Бизга таниш бўлган бу нурли қиёфа гўё ниманидир айтмоқчидек масъум боқади. Унинг кўнглимизга яқин «Гўзал Чўлпон эдим, дўстлар» сатри хаёлдан кечади. Маълумотларга кўра, Чўлпонга тегишли ҳар бир буюм аямасдан йўқотилаётган вақтда унинг синглиси шу суратни нимчаси астарида бекитиб, асраб қолган экан...

— Бу музей Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги остида барпо этилган, — дейди таниқли олим, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси Наим Каримов. — Қутлуғ ва савоб ишнинг бошида турганликлари учун Юртбошимиздан халқимиз беҳад миннатдор. Ахир элимиз не-не оғир кунларни бошдан кечирган, босқинлару талотўплар ичра озор чеккан. Чунки миллатнинг миллат сифатида тикланиши учун у аввало эркин ва озод бўлиши зарур, ўзгага бўйин эгиб яшаш эса қуллик билан баробар. Шўро тузумига она юртнинг фидойилари эмас, балки бўйсунувчан қуллар керак эди. Айниқса, халқни олдинга етаклашга қодир бўлганлар бу тузум корчалонларига ёқмасди, уларни дарҳол йўқотишга уринардилар. Ўзбек халқининг мана шундай фидойи етакчилари бўлмаганида эди, бугунги озод кунларга эришолмасдик!

Музей ичкарисини кузатаман. Қўлида таёғи билан қўзғалонга қўшилганлар, «боламизни оқ пошшонинг хизматига бермаймиз» дея майдонга чиққан аёллар, минг бир қийноқлардан кейин ҳам таслим бўлмаган мард ўғлонлар гўёки суратлардан чиқиб келиб, бизни ҳушёрликка ундаётгандай бўлади. Аслида ҳам шундай. Ўтмишда қурбонлар бериб, бугунги эркимизга эришдик. Ўтмиш бизни курашларга, оғир дамларда енгилмасликка ўргатди. Энди шу озодликни асрай билишимиз лозим.

Президентимиз «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», дея бежиз таъкидламаганлар.

Ватан деб ҳайқирган, юраги юрт ишқи билан ёниб яшаганларнинг изларидан бориб, айтган сўзларини қалб ичига жойлайлик!

«Халқ ичига қучоқ очиб кирайлик» дейди Чўлпон.

Биз она юртни буюк қалб билан севган аждодларимизга муносиб ворислар бўлмоғимиз керак. Уларнинг покиза руҳлари олдидаги муқаддас бурчимизни, бир умрлик қарзимизни унутмасдан яшай олишимиз лозим. Ҳозиргина кўрганим — музейдаги ҳар бир буюм, ҳар битта ҳужжат ана шу улкан қарзни бизга қайта-қайта эслатаётгандай туюлади.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Спорт

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ — ЎЗБЕКИСТОН — 2:1

Спорт ишқибозларига маълумки, келаси йили Хитойда навбатдаги олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Тўрт йилда бир марта ўтказиладиган энг нуфузли мусобақа иштирокчиси бўлиш ҳар бир спортчининг орзуси.

Ўзбекистонлик футболчиларнинг ҳам бирдан-бир мақсади Пекин олимпиадаси финалига чиқиш. Муҳими, йигитларимизнинг кайфияти яхши. Улар фақат ғалаба ҳақида ўйлашмоқда. Ғалаба эса ўз-ўзидан келмайди. Бунинг учун футболчиларимиз майдонда астойдил ҳаракат қилиб, ишқибозлар ишончини оқлашлари керак.

Пекин олимпиадаси саралаш учрашувлари Осиё минтақаси ҳал қилувчи босқич баҳсларига қуръа ташланганидан футбол мухлисларининг хабари бор. Қитъамизнинг ўн икки жамоаси муҳим босқичга чиққан. Қуръага кўра, қатнашчилар уч гуруҳга бўлинди. Олимпиадада иштирок этиш эса омадли уч жамоага насиб этишини ҳисобга олсак, вакилларимиз олдида анча жиддий синовлар турибди.

Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси мусобақанинг «В» гуруҳидан жой олган. Футболчиларимиз ягона йўлланма учун Жанубий Корея, Сурия ҳамда Баҳрайн жамоалари билан майдонга тушади.

Кеча ҳал қилувчи босқичнинг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди. Унда ҳамюртларимиз сафарда Жанубий Корея футболчиларига қарши майдонга чиқди. Қизиқарли ва ҳаяжонли кечган ўйин 2:1 ҳисобида якунланди.

Равшан ШОДИЕВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

I — 749

8253 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

O`zA yakuni —
Topshirilgan vaqti —
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda

Орамиздаги одамлар

УСТОЗ КЎРГАН ДОМЛА

Етмишинчи йилларнинг бошлари эди. Ишхонамга ҳамкасбимиз, радиожурналист раҳматли Баҳром Рихсиев кириб келиб:

— Суюнчи беринг! — деди дабдурустдан.

— Ҳа, тинчликми? —сўрадим, унинг бу гапидан ҳайрон бўлиб.

— Радиода домла Анвар Каримов билан суҳбатлашиб қолдим. У киши радио-телевидениенинг чин фидойиларидан экан. Шу соҳада иш олиб бораётганимдан суюндилар, кейин илмда ғолиб чиқиш, мақсадга эришиш учун бетиним ишлаш, изланиш керак, — дедилар. Ва яна айтдиларки, ёзган нарсаларингизни тортинмай менга кўрсатаверинг, биргаликда кўрамиз, таҳрир қиламиз, қарабсизки ишингиз бобма-боб тайёр бўлаверади.

Баҳром Рихсиев устоз ўгитига амал қилиб кам бўлмади. У киши билан бамаслаҳат иш юритгани боис тез орада ниятига эришди. Радио тарихи бўйича фан номзодлигини ёқлаб, олим бўлди.

Устоз ва шогирдлик ўзига хос анъана. Устоз кўрган одамгина бошқаларга устозлик қила олади. Анвар ака Матёқуб Қўшжонов, Аюб Ғуломов, Фозила Сулаймонова, Тўғон Эрназаров сингари журналистика дарғаларидан бу нозик соҳанинг кўп сирасрорларини ўрганди.

— Мени тўғри йўлга бошлаган, тележурналист бўлиб етишишимда ёрдам берган Мавлон Икром, Мирсолиҳ Мираъзамов каби устозларни ҳеч ҳам унутолмайман. Улар жуда ҳам талабчан, айни вақтда меҳрибон кишилар эдилар. Ютуқларимиздан қувониб, камчиликларимиздан қуюнардилар. Уларнинг далдалари бизни изланишга, янада яхшироқ ижод қилишга ундарди.

Мамлакатимизда телевидениени ривожлантиришга ҳисса қўшган, публицист ва моҳир таржимон сифатида танилган Анвар Каримов бир қанча монография, ўқув қўлланмалари устида қунт билан ишлаб, журналист кадрлар учун зарур дарсликларни яратдилар. «Ўзбекистонда телевидение», «Инсон зийнати», «Телевидение Узбекистана» каби бир қатор китоблар шулар жумласидан.

Тиниб-тинчимас олим, қўплаб ёшларнинг жонкуяр устози миллий журналистикамиз тараққиётига қўшган ҳиссаси учун 2005 йилда Президентимиз Фармонига кўра «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди. Энг муҳими, қаҳрамонимиз бугун табаррук ёшда бўлишига қарамай, ижодкор сифатида ҳамон сафда. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида «Телекўрсатув ва радиоэшиттириш» кафедраси доценти.

— Домланинг тележурналистика соҳасидаги ярим асрлик фаолияти сарҳисоб қилинса, тарозининг бир палласини илмий ва ижодий ишлари, иккинчисини шогирдлари эгаллайди, — дейди журналистика факультети декани, тарих фанлари доктори Қудрат Эрназаров қувонч ва фахр билан.

Ҳа, устознинг муддаоси битта — бугунги ёшларни ҳар тарафлама етук, Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялашдир.

Юнус ЗИЁДОВ

Суратда: *устоз Анвар Каримов бир гуруҳ шогирдлари билан.*

ТЕНДЕР САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

«Зармитан олтин-маъдан зонаси кони негизида кон-маъдан мажмуаси қурилиши» лойиҳаси бўйича жиҳозлар етказиш ишларига 06/07-сонли

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1-Лот. Стандарт бутланган автомобиль самосвал — 16 комп.
Буюртмачи — ***Навоий кон-металлургия комбинати.***
Молиялаштириш буюртмачининг хусусий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Молиялаштириш шартлари:
— маҳаллий корхоналарга — Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида;
— хорижий компанияларга — АҚШ долларида.
Етказиш шартлари: ***CIP — Нурбулоқ ст., 728204, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, қабул қилувчи коди 2223, Ўзбекистон, Инкотермс — 2000 га мувофиқ.***
Етказиш муддати: ***2007-2008 йиллар.***

Тендерда шартномаларни тузиш ваколатига ва фуқаролик ҳуқуқдорлигига, тендер асосида харид қилинадиган тегишли ҳажмдаги маҳсулотларни етказиш бўйича етарли тажрибага эга бўлган, таклиф этилган шартларга мувофиқ иштирок этиш истагини билдирган маҳаллий, шунингдек, хорижий ишлаб чиқариш ёки таъминотчи идора ва ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Тендер ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 300 АҚШ доллари

(хорижий компаниялар тўловни АҚШ долларида, маҳаллий корхоналар эса ЎзР Марказий банкининг тўлов бажарилаётган вақтдаги расмий курси бўйича миллий валютада амалга оширади).

Закалат суммаси — харид ҳисобкитоби қийматининг 1% миқдорида.

Оферталар тендер ташкилотчиси томонидан қабул қилинади.

Тендерда иштирок этиш ва тендер ҳужжатларини харид қилиш учун тендер ташкилотчиси — НКМК Капитал қурилиш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингизни сўраймиз: ***Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Навоий шаҳри, 210100, Навоий кўчаси, 27-уй. Телефон: (998 79) 22 77106, 22 77211, 22 77081. Факс: (998 79) 22 77597, 22 77586.***

Оферталарни тақдим этишнинг охирги муддати — эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 40 кун. Оферталарни очиш тендер ташкилотчисига оферталарни тақдим қилиш муддати тугагандан сўнг кейинги куни ўтказилади.

Тендер ҳужжатларининг очилиши қуйидаги манзилда амалга оширилади: Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 27-уй, НКМК бошқармаси биносида.

Тендер ҳужжатларига тўловни амалга ошириш учун банк реквизитлари:

Хорижий компанияларга:
Узр ТИФ Миллий банки
Тошкент ш., 100084, Юнусобод
Амир Темур кўчаси, 101-уй.
МФО 00450
SWIFT: NBFAUZ2X
Валюта ҳисоб рақами:
22614840200305623002

Маҳаллий корхоналарга:
НКМК ИНН 201204514
Навоий ш., 2,
Навоий кўчаси — 27.
Х/р 20210000900305623001
УзР ТИФ Миллий банки Навоий ш.
МФО 00196
ОКОНХ 12411

Интер-спорт

СУД ҚАРОРИ ҚАТЪИЙ

Англия премьер лигасининг Арбитраж суди «Манчестер Юнайтед» клубининг ҳимоячиси Габриэл Хайнцни «Ливерпуль» жамоасига ўтишига рухсат бермади. Футболчининг таъкидлашича, гўёки «Манчестер Юнайтед» уни бошқа клубга ўтишига рухсат берган ва «Ливерпуль» бунинг эвазига 6,8 миллион фунт стерлинг (13,9 миллион доллар) тўлашга тайёр экан. Гап шундаки, июль ойида «Ливерпуль» Хайнцга «Манчестер» талаб қилаётган маблағни беришга рози эканини маълум қилган эди. Албатта, ҳимоячи бундан хурсанд. Чунки «Манчестер»нинг асосий таркибидан унга ўрин берилмаганди. Нима бўлганда ҳам Хайнцнинг агенти Ричард Грин бу тадбир амалга ошмайдиган бўлса, иш апелляция судига оширилиши мумкинлиги ҳақида гапирмокда. Буёғини эса вақт кўрсатади.

СТАДИОНГА ЮЗ МИЛЛИОН САРФЛАМОҚЧИ



Литвалик тадбиркор Владимир Романов Шотландиянинг «Heart of Midlothian» клубига қарашли «Tyntcastle» стадионини қайта тиклаш ишларига 51 миллион фунт (юз миллион доллардан зиёд) маблағ сарфламоқчи. 1886 йили бунёд этилган, юрак шаклидаги бу стадион 17,42 мингдан 23 минг томошабин сиғадиган даражага етказилар экан. Стадионни янгилаш баробарида қулай хоналар, машқ зали, матбуот йиғилишлари ўтказиладиган заллар ҳам бунёд этилиши мўлжалланмоқда. Муҳим томони шундаки, таъмирлашдан кейин стадионда ишчи ўринлари уч юз нафарга етади ва йилига 1,2 миллион фунт стерлинг фойда кўрилар экан. Владимир Романовнинг шахсий жамғармаси 500 миллион долларга етган. Хотини Светлана ва ўғли Роман «Хартс» клубига бошчилик қилишади.

Ташкилот бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади:

Бош бухгалтер	Ҳисоб-китоб бўйича бухгалтер	Бухгалтер-иқтисодчи	Кадрлар бўлими бошлиғи	Электр механик
иш стажи — камида 10 йил; маош — 400 000 сўм.	иш стажи — камида 5 йил маош — 250 000 сўм.	иш стажи — камида 5 йил маош — 250 000 сўм.	иш стажи — камида 5 йил маош — 250 000 сўм.	иш стажи — камида 10 йил маош — 500 000 сўм.

Маълумот учун телефонлар: 187-17-11, 150-01-11, 57-29-74, 58-85-60.
Номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги факс орқали юборишлари керак: 150-01-11, 57-29-74.
E-mail: CHERMETGROUP@POSTBOX.UZ